

Ф.Хўжаев асарлари асосида Бухородаги 1920-1924 йиллардаги сиёсий жараёнларнинг қисқача таҳлили.

Бухородаги 1920-1924 йиллардаги сиёсий жараёнлар тарихи бўйича қатор илмий, илмий-оммабоп асарлар, мақолалар ёзилган бўлиб, булар дастлаб шу воқеаларда иштирок этган, уларни ўз кўзи билан кўрганларнинг эсдаликларидан тортиб, кейинчалик монография, тўплам, диссертация, рисола ва мақолалар ҳам яратилди.

Ўрганилаётган мавзу манбашунослиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, Бухородаги воқеалар шохидларидан Ф.Хўжаев, С.Айний, Қ.Отабоев, Саид Олимхон ва бошқаларнинг асарлари ҳамда эсдаликлари, алоҳида ўрин тутади.

Собиқ Совет тарихшунослигида “босмачилик ҳаракати” деган атама билан ифодаланган бу ҳаракатлар аслида истиқлол учун курашда Туркистон халқларининг иродасини акс эттирган, биринчи демократик ҳукуматимиз бўлган Туркистон Мухторияти болшевиклар томонидан қонга ботирилгач, совет ҳокимиятига қарши бошланган халқ курашининг мантиқий давоми эди. “Босмачилик миллий ҳуррият учун ва Совет ҳукуматининг мустамлакачилигига қарши умумий бир миллий ҳаракат каби вужудга келди”. Бундай фикрлар 1917-1924 йиллардаги воқеа замондошлари томонидан ҳам эътироф этилганлиги алоҳида диққатга сазовордир¹.

Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши (1920 йил 6-октябрда), ундаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг моҳиятини тушиниш, тарихий ҳақиқатни тиклашда замондошларининг тарихий – мерослари катта аҳамиятга эга.

¹Шадмонова С.Б. Немис ва Турк тарихшунослигида Туркистондаги 1917-1924 йилларда Совет мустамлакачилигига қарши кураш масаллари / т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... Т., 2002. –Б. 91-95.

Шу ўринда, Ф.Хўжаевнинг Бухоро Республикасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихига ва кейинги воқеаларга бағишланган бир қатор асарлари диққатга сазовордир. Уларда Муаллиф Шарқий Бухорода бошланган қаршилик ҳаракатлари тўғрисида тафсилот берар экан, бу норозиликлар Бухоронинг бошқа вилоятларига ҳам тарқалганлигини ёзиб, бу ҳаракат қатнашчиларидан айримларнинг советлар ҳукуматига ёзган мактубларини келтирган².

Ф. Хўжаев янги ҳокимиятга кўрсатилган қаршилик, яъни ўша давр тарихшунослигида мустаҳкам ўрнашиб қолган “босмачилик” масаласини холисона ёритишга интилан. Шарқий Бухорода бошланиб кетган ҳаракат ва норозилик кайфиятлари жумҳуриятнинг бошқа вилоятларига ҳам ёйилгани, жумладан, Шахрисабзда 1920 йил кишида бир неча қишлоқларнинг қўзғолон кўтаргани, Фарбий ва Марказий Бухоро ҳудудларида маҳаллий кўрбошиларнинг фаоллашгани натижасида республика пойтахтига хавф туғдирилганлиги фактлар асосида баён этилган. Совет ҳукуматига қарши ҳаракат бошида, уни қўллаб-қувватлаган кучлар сафида амир тарафдорлари, катта амалдорлар, руҳонийлар ва сиёсий талаб билан чиққан Анвар пошшони кўрсатиб, улар “энг реакцион ва қора кучларнигина ўз атрофига тўплашга муваффақ бўлди”, деб ёзади³.

Ф. Хўжаев ўз асарлари билан БХСР ва Бухорони зўравонлик билан советлаштириш тарихи ҳамда Ўрта Осиё фани тарихшунослигига катта ҳисса қўшди. Унинг асарларидан амирликдаги жаидлар ҳаракати, унинг моҳияти, йўналишлари, Бухоро Республикасидаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотларни олишимиз мумкин.

Айни пайтда, Ф.хўжаев асарлари совет даврида жорий этилган мафкуравий ғоялари доирасида ёзилганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Умуман олганда Ф.Хўжаев ўз асарларида 1920-1924 йилларда Бухородаги сиёсий жараёнлар тарихининг барча қирраларини чуқур ёритгани ҳолда,

² Хўжаев Ф. Бухоро инкилоби тарихига доир. – Т., 1926; Хўжаев Ф. Бухоро инкилоби ва Ўрта Осиёнинг миллий давлат чегараланиши тарихига доир. – Т., 1932

³ Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии. – Т., 1932. –Б. 248.

Бухородаги совет тузуми хусусида синфий ёндашув нуқтаи назарида турганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки у совет ҳокимияти мафкураси нуқтаи-назаридан фикр юритиб, синфийлик мафкураси доирасидан четга чиқа олмаган. Табиий тоталитар тузум мустаҳкамланиб, эркин фикрлашга чек қўйилаётган бир шароитда Файзулла Хўжаевга ўхшаган баркамол истеъдод эгаларига ҳам марксистик дунёқараш доирасидан чиқиш мумкин эмас эди. Ушбу хусусиятларга қарамадан Ф.Хўжаевнинг Бухоро тўнтариши ҳақидаги оригинал мулоҳаза, умумлашма ва хулосалари муаммо тарихшунослигига қўшган катта хиссаси бўлади.

1920 йил сентябрь воқеаларининг бевосита қатнашчиси Бухородаги демократик ҳаракат йўлбошчиларидан бўлган Садриддин Айнийнинг мақолалари ҳам ушбу давр манбашунослигидаги муҳим ўрин тутди. Унинг совет босқинига оид мақолалари “Шуълаи инқилоб”, “Меҳнаткашлар товуши” рўзномаларида чоп этилган.

С.Айний жадидларни кўпроқ ёшлар, тараққийпарварлар деб баҳолаб, жадидлар ҳамда ёш бухороликлар орасидаги тафовутни етарлича очиб беролмади. Шунинг учун ҳам Файзулла Хўжаев асарининг кириш қисмида бунга эътибор қаратиб, шундай ёзган: “жадидчиликнинг ички динамикаси С.Айний китобида очилмаган, кам ўрганилган ва кам текширилган соҳа бўлиб қолди”.⁴ Шуларга қарамадан С.Айнийнинг⁵ “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” китоби жуда бой фактик материалларга эгаллиги билан қимматлидир. Бу манба XX асрнинг иккинчи ўн йиллигидаги Бухоро тарихини ўрганишда фойдали манба бўлиб қолади.

Юқоридаги илмий-тарихий адабиётлар таҳлилидан хулоса қилиш мумкин, Бухоро Республикасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихига бағишланган ва 1920-1930 йилларда чоп этилган асарлар муаллифларининг кўпчилиги бу воқеаларнинг гувоҳи ёки бевосита иштирокчиси бўлганлар. Улар тарихий ҳақиқатни объектив тарзда кўрсатмасдан, воқеаларни ғолиб

⁴ Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. – Тошкент. – 1926,-С. 3.

⁵ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Тошкент, - 1926. – Б. 225.

томон мавқеи фойдасини ҳисобга олган ҳолда ёритишган бўлса-да, тарихий номлар, саналар, турли фактлар тарихий воқеаларни бугунги кун талаблари асосида талқин қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хўжаев Ф. Бухоро инқилоби тарихига доир. – Т., 1926;
2. Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии. – Т., 1932. – Б. 248.
3. Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. – Тошкент. – 1926,-С. 3.
4. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Тошкент, - 1926. – Б. 225.
5. Шадмонова С.Б. Немис ва Турк тарихшунослигида Туркистондаги 1917-1924 йилларда Совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалри / т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс... .Т., 2002. –Б. 91-95.